

Дастлабки терговда жиноятларнинг олдини олиш чораларини таъминлаш

Мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органларининг хизмат соҳасидаги энг муҳим вазифаларидан бири саналади. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунида қайд этилганидек, соҳа ходимларининг асосий вазифалар - жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, уларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўришдан иборат.

Дастлабки терговда жиноятларнинг олдини олиш деганда, терговчининг жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритиш жараёни тушунилади. Тақдимнома - жиноятнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт шароитлар кўрсатилган ва уларни бартараф этиш талабларини ўзида мужассамлаштирган ЖПК асосида тузиладиган процессуал ҳужжатдир. Тақдимноманинг ҳуқуқий табиати шундаки, у терговчининг текширилган ва исботланган фактларга асосланган муайян криминалогик ҳолатларни бартараф этиш тўғрисидаги ҳокимият кучига эга бўлган талабидир. У мажбурий юридик кучга эга. Бошқача айтганда, тақдимнома терговчининг қонунга мувофиқ чиқарилган, ишончли далилларга асосланган, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳамда барча давлат, жамоат муассасалари, корхоналари, ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши шарт бўлган қароридир. Қонунда тақдимноманинг процессуал шаклини белгилаб қўйилган. Терговчи дастлабки терговнинг исталган вақтида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлагач ЖПКнинг 36, 297-моддалари асосида сабаб ва шарт-шароитларни пухта ўрганиб, келгусида бундай жиноятларнинг олдини олиш юзасидан тақдимнома тайёрлайди. У тақдимнома юбориладиган аниқ адресни ҳамда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда ихтиёрий шаклда

тузилади. Амалиётда тақдимномада жиноятнинг фабула- си тасвирланади ҳамда уни келтириб чиқарган аниқ сабаб ва шарт-шароитлар кўрсатилади. Шундан сўнг ушбу сабаб ҳамда шароитлар- ни йўқотиш йўллари, усуллари кўрсатилади ва йўқотиш муддати белгиланади.

ЖПКнинг 299-моддасига асосан, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлаш- маси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрил- ган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки суд- ни хабардор қилиши шарт. Тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарил- маган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгар- ликка тортилади. Шунингдек, терговчи дастлабки тергов босқичида, ЖПКнинг 300-моддасига асосан, фуқаро ижтимоий бурчини намуна- ли бажарганлиги тўғрисида тақдимнома киритиши мумкин. Яъни у яшайдиган маҳаллага, ишлайдиган корхона, муассаса раҳбари ва унинг жамоасига миннатдорчилик билдириб тақдимнома жўнатиши мумкин. Аммо амалиётда бундай тақдимномалар жуда кам киритилмоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: биринчидан, тақдимнома- ларга қўйиладиган асосий талаблар кўрсатилгани ҳолда тақдимнома- нинг ягона процессуал шаклини ишлаб чиқиш; иккинчидан, жиноят- чиликнинг олдини олиш, терговчи жиноятнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида киритадиган тақдимномаси нафақат айблов хулосаси ёки ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалаларини кўриб чиқиш учун судга юбориш ҳақида қарор чиқариш билан якунланадиган ишлар бўйича эмас, балки дастлабки терговни тамомлашнинг бошқа, яъни ярашув, амнистия, жиноят ишини тугатиш ишлари бўйича ҳам амалга оширилишини йўлга қўйиш. Муҳими, ушбу муаммоларни бартараф қилиш тергов органларини жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги самарадорлигини ошириш, бу жамиятда жиноятларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Югай, Людмила. "Технологии распознавания лиц в обеспечении общественной безопасности: зарубежный опыт и перспективы развития." Общество и инновации 3.1/S (2022): 278-287.

2. Югай, Людмила. "Совершенствование института адвокатуры в контексте конституционных реформ." Общество и инновации 4.8/S (2023): 1-9.